

ZAMONAVIY O'ZBEK ADABIYOTI

I BROHIM
R IXSIBOYEV



TANHOLIKDAGI TASAVVUR

YOZUVCHINING YANGI VA ENG SARA IKKI HIKOYASI

Siz qanday yashayapsiz?

Muallif haqida ikki og‘iz so‘z

Ibrohim Rixsiboyev yosh bo‘lishiga qaramay o‘z dastxati va uslubiga ega yozuvchi. Yozar bir qator qissa va hikoyalari bilan keng kitobxonlar mehrini qozonib kelmoqda. Asarlarida asosan o‘qirmani iymonga, axloqqa, xaromga emas halol yo‘lga yurishga chorlaydi. Qahramonlarining xarakterini mahorat bilan chizadi. Shu bilan bir qatorda, haq so‘zni aytishdan qo‘rqmaydi. O‘ylab qaralsa, adabiyotning vazifasi shon-shuhrat unvonga ergashish emas, balki insoniyatga qarata haqiqatlarni ayta olish, insonni tarbiyalash to‘g‘ri yo‘lni ko‘rsatishdan iborat. Ibrohim Rixsiboyev adabiyot olamiga endi qadam tashlab, kirib kelayotganiga qaramasdan mayda-chuyda jamiyat muammolarini emas, balki insoniyat muammolarini qalamga oldi. Ko‘pchilik Ibrohim akaning yozganlarini o‘qib, «Hikoyangizdan O‘tkir Hoshimov, Said Ahmadlarning xidi kelyapti» demoqda. Nimaga? Chunki yuqorida ismlari keltirilgan ustoz adiblar ham insoniyat muammolarini yozgan. Jamiyatning muammolari vaqtinchalik, o‘tadi-yu ketadi. Ammo insoniyat muammolari abadiy. Ibrohim Rixsiboyev, qo‘liga Qalam olar ekan asarida eng avvalo kitobxонни yaratganga yaqin bo‘lishga, iymonini mustahkamlashga, tafakkur qilishga undaydi. Yozuvchining murodi, uning hikoyasini o‘qigan o‘qirmani yaratgan egasiga yaqinlashtirish, hozir yashab yurgan hayotida nima uchun yashayotganini anglatish, Allohga bo‘lgan muhabbatini yuksaltirishdan iborat.

Iste’dodli yozuvchi Ibrohim Rixsiboyevning eng yangi ikki hikoyasi siz aziz o‘qirmanlarning hukmiga havola etilmoqda. O‘qing, tafakkur qiling, siz qanday yashayapsiz? Inson qanday yashayotgani uning amal va niyatlariga bog‘liq. Quyidagi ikki hikoyani o‘qib, hayotingizni tahlil qiling. Hayotingiz va amalingiz chiroyli bo‘lsin. Barchamizni parvardigor egam ikki dunyo saodati bilan siylasin!

Azizbek Abdumalik

Mustaqil jurnalist

Tanholidagi tasavvur

hikoya

Har qanday inson taffakurining so‘ngi bekati bu islomdir...

L.N.Tolstoy

Mart oyi adog‘siz yomg‘irli keldi. Anvar uyoqdan buyuqqa yuraverib, boshiga tushgan dardni yengish xaqida o‘ylardi. Shifokor Nizomiddinovich amaliyot vaqtini zudlik bilan tezlashtirish kerakligi va bu amaliyotga katta miqdorda pul sariflanishini takidladi. Xozir shu xolatda pullarni qayerdan topishni o‘ylar edi.

Birdan Anvarning ayoli kirib bu hayyollarni buzdi. Anvaraka ovqat suzib tayyorlab qo‘ygan edim. Sovumsadan yeb oling dedi boshidagi tushib ketayotgan ro‘molini qattiq bog‘larkan.

—Xozir Noila chiqaman. Sizlar meni poylamay yeb turaveringlar. Noila eshikni ochiq qoldirib chiqib ketdi.

Anvar kasalini hech kimga oshkorlamaslikga qaror qilgan edi. Ichida nima kechinma o‘tgan bo‘lsa barini yutib tashqariga hush kayfiyatda chiqdi.

—Kel o‘g‘lim o‘tir joyinga. Kelin tezda ko‘k va salatlaringizni olib keling. Anvarjon bolam shu kunlarda menga yurish turishing yoqmayabdi. Ilgarilari yzunigdan quvonch arimas edi xozirchi mudom hafaxonsan dedi onasi unga achinarkan.

—Onajon balkiy boshqa mavzuda gaplasharmiz qo‘ying bu arzimagan narsa. Qiziqmang menda hammasi yaxshi. Ana ovqat ham keldi.

—Kelin qo‘ying o‘shayoqqa o‘tirmang. Mana tog‘dek suyanchig‘ eringiz bor. Sizlar juftsizlar. Bir-biringizga yaqin o‘tiring. Meni bilasizlar raxmatlik dadangizni o‘rnida o‘tiraman doim sizlarga boqib. Sizlarni kuzatgan sarim bu hayotda ko‘p yashayvergim keladi. Baxtingiz butun bo‘lsin. Anvar onasining bu so‘zlarini achchiq qalampir yegandek tinglab boyagi o‘y xavotiriga sho‘ng‘idi. Onamga yolg‘iz suyanchig‘man, ayolimga esa onamning tabiri bilan aytganda bir bo‘lak. Dog‘imda ado bo‘lishini istamayman onamni. Bevalik to‘nini kiyishini istamayman ayolimni. Yo Rab dardimni mendan soqit ayla. Shular uchun

yashagim kelayabdi. Yo rahimli egam shu dardni o‘zing berding, o‘znig daf et. Og‘ziga palovdan uch-to‘rt qoshiq solib o‘rnidan turib ketdi. Ortidan esa onasi, xech narsani tushunolmay mayus qarab qoldi.

Yotoqxonaga kirib boshini yostiqqa qo‘ygancha shiftga qarab yotdi. Xozir mazali palovni tanavul etdim. Vaqtlar o‘tgandan so‘ng ayni bugun tomog‘imdan o‘tib turgan yeguligimni tamini bila olar ekanmanmi.

Deraza ortidan;— *Sanjar menga oshir bo‘l tep go‘ll* degan bolalarning qiychuvi eshitildi. O‘rnidan turdi va deraza tomon odimladi. Parda ortidagi ochiq turgan derazadan bolalarni kuzatdi. Izdosh davomchilarning mavjudligi oilaning butlanishi va musatxkamlanishiga olib keladi. Men esa mustaxkam oilamni parchalab ketayabman. Qani edi orqamda qoladigan davomchim bo‘lsa. Be farzandligim sabab shajaramga nuqta qo‘yayabmanmi?.

Anvar necha yillardan buyon farzand ko‘ra olmayotgan edi. Nuqlul validasi oila farzand bilan to‘kis bo‘ladi. Hech bo‘lmasa farzand boqib olinglar deb aytishdan to‘xtamaydi. Agar bir yetimni boqib olsam yana bir—bor yetim bo‘ladimi. Bu uning ustidan mazah qilish bo‘lmaydimi. Ayolim mendan keyin qiynalmaydi. Ikkinchisi hayot qiladi. Oldida etagini tortib turadigan farzandi yo‘q. Bir mag‘zunurh bir ko‘ngil xotirjamlik bilan uyquga ketdi.

Ishxonasiga yangi qurilma olib kelishdi. Uni kuzatar ekan o‘ziga—o‘zi gapira ketdi tavba, men ilgarilari qiynalib bajaradigan ishimni manavi matox besh daqiqada udalayabdi qoyilman. Menga endi boshqa vazifa topshirishsa kerak deb o‘ylab ishxonasidagi har bir bo‘limni bir ko‘zdan kechirdi. Xechqaysisi to‘g‘ri kelmayabdi. Ha Anvar tomomsan endi. Dardinga chorasiszsan, xastalik sening ustingandan g‘olib kelmoqda. Yengilganiningni tan ol derdi ichidan bir sas kelib. Hayot juda qiziq o‘zi insonni doim nimagadir talpinib inonib yashashga davat etadiyu lekin kutulmaganda qo‘qqisdan zarba beradi.

Eng kulgilisi insonlar buni shunday qarshi oladilar. Bu taqdir taqdirivichning ishi qo‘y sen aybdormisan o‘zi. Agar peshonagda bunday ayanchli taqdir bitlimaganda sening boshinga sinovlar kelmas edi deb taqdir taqdirivichga ishonishadi va uni aybdor qilishadi. Umuman inson zotini paydar—pay, ketma—ket omad omadivich quchoqlab olsa unga uning quchog‘I ostida bo‘lsa ham ishonmay men juda ko‘p harakat qildim va shu cho‘qigacha yo‘lni o‘zim bosib o‘tib bariga erishdim deydi. Lekin janob Alloh Taloga yoqmaydigan bandlarining eng yomon sifatlaridan biri bo‘lmish kibirga ketish. Eng suyadigan quvonchiga sabab bo‘ladigani esa shukur qilishlik va barini o‘zidan deb bilishlik ekan. Sinov barchaga turlicha kelgani kabi,

uni turlicha qabul qilar ekanmiz. Faqat mudaokim shu xolatda isyon qilguvchilar qatoridan joy olmaylik.

Izzatim borida o‘zim arizamni yoza qolay degancha ishchilar bilan ishslash bo‘limiga chiqib ketadi.

Doim qo‘li qo‘njiga to‘lib keladigan oila boshi Anvarjon bugun hattokiy to‘rtta non ham ololmay kirib keladi. Xovlida uning ayoli shakarob qilib nomiga chang ko‘tarmasin uchun chelakda yerga suv separdi. Supada esa validasi so‘ngi yangiliklardan iborat ro‘znomani o‘qib o‘tirar edi.

–Voy onag o‘rgilsin bolam nima bo‘ldi. Tinchlikmi xech ishdan buncha erta qaytmasding dedi o‘qib o‘tirgan ro‘znomasini xontaxtaga qo‘yarkan.

–Onaginam meni tatilega chiqazishti. Endi sizlar bilan bemalol vaqt o‘tkazaman dedi.

–Qanday yaxshi. Zab ish bo‘libdi. O‘ziyam oxirgi paytlar bolam juda toliqaning yuz ko‘zingdan malum bo‘layotgandi. Sixatingni ancha yaxshilab olarkansan. Onaizor shu paytgacha o‘g‘lining yolg‘on-yashiq gapirganini eslay olmaydi ham. Inchunun shu sababmi gaplariga ishondi.

Onasining yuziga tik boqib tiliga yolg‘onni olgan Anvarning axvolini tassavur qilishning o‘zi mushkul.

Kun kechga kirganda kasalik ilk azoblarini berishni boshladi. Yelkasidagi noxattak paydo bo‘lgan dart, ustiga ikki kishi chiqib olgandek azobni berardi. Yotoqning ikkinchi juft tarafidagi shirin uyquga ketgan ayolini bezovta qilmaslik uchun xonadan chiqib ketib, hovlining o‘rtasidagi supaga omonatkina o‘tirib oldi. Yelkasidagi og‘riq qon so‘radigan kanadek ha-ha faqat qon emas quvvatini olayotgan kanadek edi go‘yo.

Tanholikdagi taffakur kishiga katta natija beradi. Yakka qolgan inson o‘zidan ayb axtara boshlaydi, o‘zgalardan emas. Odatdagidek Anvar bugun erta tongda barvaqt turib ko‘chaga chiqib ketadi. Ko‘pincha qaysi manzilga bormasin yer osti yo‘l transportida qatnashni ma’qul ko‘radi. Bilasiz manzilga olib boruvchi reys kelguniga qadar yo‘lovchilar kutish stansiyasida turadilar. Qo‘lidagi uyali telefonining soatiga qaradi. Soat millari 8:30ni ko‘rsatayapti. Reys yetib keldi. Birin ketin boshqa odamlar qatori chiqa ketdi. Harakatga tushayotgan poyezdning ovozi qulog‘iga chalindi. Yana uyali aloqa vositasining soatiga qaradi-yu aloqa uzila boshlashi, birozdan so‘ng esa internetni o‘chayotganiga ahamiyat berdi. Xuddi shu mahal ongini oxirat xavotiri egallab oldi.

Aziz o‘qirman Anvar stansiyani hayotga o‘xshatdi. Uyali aloqani esa savob va gunoh amalimizni yozib oluvchi, dalolatchi va bizni xolatimizni Robbimizga yetkazuvchi vosita deb tasavvur qildi.

Biz hayot stansiyasida turli jamoa va toifalarga bo‘lingan holatda turamiz. Kimdir o‘z hayot reysini uyali aloqasi orqali faxsh musiqa va film tomosha qilib, yana kimlardir g‘iybat qilib kutadi. Boshqa tur toifa vakillari esa o‘z hayot reysini uyali aloqasi orqali qur‘on tinglab, insonlarga shirin so‘zini ayamay pand-o‘gitlar aytib kutayapti. Jannatga oshiq jamoa gunoh ish qilishdan charchamaydigan barcha ezgu ishlarning fazilatidan bebahra qolib g‘aflatda o‘tayotganlarni o‘z jamoalari safida ko‘rishni istaydilar. Jiddu jaxd bilan qaytarmoqlikka urinadilar. Turli yaxshilikka chorlovchi video ro‘liklar, ahli ilimlarning ta’lif etgan kitoblarini jo‘natardilar. Ming afsuslar bo‘lsinki, haqiqatni tinglash uchun quloqlari kar, uni so‘zlash uchun tillari soqov bo‘lgani bois ahamiyat bermaydilar. Inchunun aytish mumkinki bu zalolat masiyatiga botgan jamoani tark etib qalbida hidoyat nuri porlagan insonlar ham bor ularga Allohning rahmati bo‘lsin.

- Ey birodarlar qo‘ying shu ishlaringizni! Yaxshilikka olib kelmaydi. Nahot boradigan manzilingiz jahannam bo‘lishidan qo‘rqmayotgan bo‘lsangiz. Undan ko‘ra biz bilan birga bo‘ling. Mana sizga imkon qo‘lingizni bering.
- Men o‘z boradigan manzilimi sizdan ham yaxshi bilaman,— dedi boshini zo‘rg‘a telefonidan ko‘tararkan. Agar bilmaganimda sizning safingizda bo‘lardim. Men o‘zimga ishonaman. Kimlarningdir dedi—dedisiga emas.
- Xo‘sh nima uchun o‘zingizga ishonasiz?
- Buning sababi oddiy. Qara yonimdagilarni bari o‘z ongini internetdagи oldi qochdi mavzularga to‘ldirayapti. Men esa o‘z vaqtida ko‘p kitoblar o‘qiganman. Hozir shu o‘qigan kitoblarimdan xosil bo‘lgan ilmim sabab sheriklarimdan farqliman. Qo‘limdan juda ko‘p ish keladi **imkonsizlik, choraszilik** mening hayot lug‘atimda yo‘q.
- Men bir narsaga hayron bo‘layapman. Nega bo‘lmasam jahanam yo‘lovchisi bo‘lib qoldingiz? Kitob o‘qiganman, o‘z ongimda jam bo‘lmish ilmim bor, deb turibsiz—ku.
- Nega deysanmi? Men o‘z ilmimni nafsimga hamohang qo‘ydim. Natija yomon bo‘lmayapti. Gaplarimga ishonaver.

Noqobilning so‘zlariga quloq tutgan jannat yo‘lovchisi o‘z hayotida bo‘lib o‘tgan quyidagi voqeani aytib berdi:

- Men katta mulkdor qo‘lida ishlaganman. O‘z otasi uchun qilmagan ishi qolmagan. Eng oldi liboslar, bir uyning pul miqdoriga to‘g‘ri keladigan mashina xullas barcha shart–sharoit muhayyo. Biroq qiblagohining ancha yillardan beri oqsoqlanib yuradigan oyoqlarini tuzata olmaydi. Mana, do‘stim ko‘rdingizmi inson o‘z imkon eshigini kim ochayotganini va o‘sha ochayotgan zot bir kun kelib yopishini ham o‘ylashi kerak.
- Men o‘z fikrimga hokim shaxsman. Sen o‘z yo‘lingdan ket men o‘z yo‘limdan.
- Siz hech qanaqasiga o‘z fikringizga hokim emassiz. Shuni bilib qo‘yingki, bu kibrga kiradi. Inson o‘z fikr olamiga ega bo‘lsa ham unga bo‘ysunadi. Fikr o‘rganish, tushunish, anglash va shundan so‘ng tafakkur qilish degani. O‘rganuvchi hech qachon yaratuvchi bo‘lmaydi, balki bajaruvchi bo‘ladi.

Ammo Jaxannam yo‘lovchisi uning so‘zlariga quloq solmadi.

Jaxannamga olib boruvchi poyezd keldi. Reys eshiklari ochilishi bilan ichidan faqat pushaymonlik, tavba va qo‘rquv tufayli dod voy solayotgan gunohkor jaxannam ahli bo‘lish arafasida turganlarning ayyuhannoslari eshitildi. Birinchi tur vakillari o‘zları istamasalarda qo‘l oyoqlari harakatga tushib poyezdga tomon odimladi. Jaxannam poyezdning eshiklari yopilay deganda jannat reysi poylab turgan jannat umididagi kishilarga qarata:

«Bizni o‘zimizga bo‘ysunmayotgan qo‘llarimizni tutib qoling sizlarning jamoangizga qo‘shilamiz» – deb iltimoslar aytib yolvorishar jannat yo‘lovchilar esa rahmlari kelib ko‘mak qo‘lini cho‘zardilar. Biroq poyezd ichidan bir sas kelib:

«Ey jannat ahli siz aytadiganingizni aytdingiz siz kabi ixtiyor ularga ham berildi. Eshiklar yopiladi keyingi manzil jaxannam» deya reys do‘zaxga yo‘l oladi.

Oradan ko‘p vaqt o‘tar–o‘tmas ikkinchi tomondan navbatdagi tur vakillari ya’ni jannat axli bo‘lish arafasida turganlar uchun muattar mushk taratib jannat reysi kelmoqda. Faqat nur yorug‘ligidan iborat bu poyezd oynalaridan o‘ttiz uch yoshdagi bardam baquvvat go‘zal va kelishgan yuzlaridan quvonch arimayotgan mo‘min–mo‘minalar oppoq liboslarda ko‘rina boshladilar. Reys to‘xtab eshiklar ochilishi bilan ichkaridan jamolni hayotlik vaqtida ko‘rishni istab ko‘z yosh to‘kkani jannati odamlarning Robbimiz Allohga va uning payg‘ambari Muhammad sollallohu alayhi vasallamga hamd va salovatlar aytib o‘tirishgani ko‘rindi.

Kutish stansiyasidagi jamoa quvonch ko‘z yoshlari bilan bir–birilarining qo‘llarini tutib poyezdga tomon yura boshladilar. Chiqib bo‘lganlaridan so‘ng yana ovoz yangray boshladi:

«Aziz bo'lajak jannat axli siz hayotingiz davomida Robbingizni tark qilmay uning borligi-birligiga inondingiz. Payg'ambaringiz targ'ib qilgan sunnatlarni tiriltirib hayotingizga tatbiq etdingiz. Ul zoti muborak keltirgan kitoblar onasi bo'lmish Qur'onga amal qilib yashadingiz. Keyingi manzil jannat muborak bo'lsin!» deb poyezd joyidan qo'zg'aldi.

Ikki manzilga ravona bo'lган poyezdlar. O'z manzillariga yetib kelishlariga sanoqli fursat qolganda. Yana ovoz yangray boshladi.

«Ey yo'lovchilar esingizni taniganingizdan so'ng ilk qilgan gunohingizni eslab ko'ra olasizmi? Esladingizmi, endi bir ongingizdagi xotiralar gardishingizni aylantiringchi. To bugunga qadar qilgan gunohlaringizni soni qancha bo'lган ekan. Masalan shu gunohlaringizni sandiqlarga ajratadigan bo'lsak. Nafs sandig'i, g'iybat sandig'i, yolg'on sandig'i, tuxmat sandig'i, xusumat-adovat sandig'i, kibr sandig'i, sila-i rahimni buzganlik sandig'i, xirs-zino sandig'i, behuda sarflangan vaqtlar sandig'i. Ana xalos men shu yoshga kirib shu sandig'larni to'ldiruvchi shaxs bo'lib qoldimmi, dedingizmi? Endi Robbimiz bizni imtihon qilmak uchun o'zining farishta lashkarlari bilan kelsay-u siz o'sha gunoh sandig'larni birma-bir ochsangiz. Manzil makoningiz jannat bo'larmikin yoxud jaxannam. Sevgan kishilaringiz bobo-buvingiz ota-onangiz, opa-singlingiz, aka-ukangiz va boshqalar jannat tomon oshiqib ketayotganlarida siz ularning ortidan ergashib yurmoqqa harakat qilasiz albatta. Ammo o'sha sandig'larning og'irliги sabab joyingizdan qimirlay olmaysiz. Oh bu qanday imtihon bo'ldi. Robbimizga tomon yuzlanmoq uchun yana urunib ko'ramiz ammo bu ham imkonsiz. Nima uchun chunki yillar davomida qaytarganidan qaytmay gunoh sandig'larni to'ldiruvchi shaxs bo'lib yashaganimiz sabab. Vaqt qo'lida bor, jannat ahli bo'lish umidida yurgan kishilar orasida yashab ham, barcha imkoniyat eshiklarimizni o'z qo'limiz bilan berkitganimiz sabab deysiz o'sha dam qiyomat kunida sizni uyatdan yuzingizni yerga qaratib qo'yadigan inson kim va kimilardir emas o'zingiz ekanligingizni yaxshilab anglastingiz kerak. Chunki siz nima muammo qarshisida tursangiz atrofingizdagi aybdor kishilarni axtarishga tushasiz. Bejiz hayotingiz davomida o'zing-o'zinga javob ber degan tanbehlar juda ko'p berilmagan.

Birdan yana o'ziga keldi. Soat millari 9:10ni ko'rsatyapti. Yonidagi ikki mo'ysafid xolsiz turar, o'ng va chap tomondagi o'rindig'larni to'ldirib yoshlar o'tirib ketardi. Quloqlarida quloqchin ko'zları allaqanday ajnabiylarning uyoqdan buyoqqa likir-likirlariga qadalgan. Poyezddan ovoz yangray boshladi:

«Hurmatli yo 'lovchilar yoshi katta, nogiron hamda yosh bolali yo 'lovchilarga joy bering»

Davomi bor...

Oramizdag'i farishta

Hikoya

«Qadrdon do'stim Olimjonning porloq xotirasiga bag'ishlayman».

Dunyoning azizligi mol bilan, oxiratning azizligi solih ammalla bilan...

Umar Ibin Xattob

Avto ehtiyot qismlar sotiladigan «Farhod» bozorida doimgidek mijozlar gavjum. Shu bozordagi bir do'konda Olimjon ismli juda kelishgan yuzlaridan nur yog'ilib turadigan yigit sotuvchi bo'lib ishlar edi. Ko'zga juda yaqin, taqvodor va tarbiyali, uquvli bir ishni qoyillatib bajaradigan yigit bo'lgani uchun ko'p raqobatchilari unga xasad ko'zi bilan qarardilar. Yigit o'ziga adovat qiladiganlarga qarshi biron kun bo'lsin javob qaytarmas edi. Barini janob Allohning hukmiga havola etar edi.

Bugun ham shu fitnachi noinsoflar o'zlarining navbatdagi nayranglarini ishga solishdi. Do'konga odam yonlashdi.

Olimjoning do'koniga o'sha yonlangan kishi kelib, hammayoqni boshiga ko'tardi.

– Hoy yigit, menga qara. Kecha manavi matohni seni do'koningdan xarid qilgandim, deb yaroqsiz ehtiyot qismni jaxl bilan Olimjoning qo'liga otdi. Olimjon ehtiyot qismni tutib olib, unga qaray boshladi va o'zining moli emasligini bildi.

– Amakijon sizga qanday tushuntirsam ekan. Xuddi shu extiyot qismni yana boshqa do'kondan ham olmaganmidingiz. Shularga men sotgan molni adashtirib qo'ygan bo'lsangiz kerak. Chunki bunaqangi sifatsiz mol bozorda juda ko'p. Ba'zi olib sotarlar xiyla qilib, arzon sotishadi. Sodda odamlar esa aldanib qolishadi. Men bunaqangi molni sira ham do'konimda sotmaganman. Bir anglashilmovchilik bo'lgan bu yerda.

– Menga qara bola, meni laqillatib bo'psan. O'zi hammang gapga ustasanlar. Hozir yolg'oningni qalpoq qilib kiyg'azib meni jo'natib yubormoqchisan. Meni yaxshilab eshit yo ertaga qoldirmay bugunoq qorangan o'chirasan yoki bo'lmasam do'koningga ichki ishlar noziri bilan kelaman, deb xuddi g'azab tulporiga mingandek chiqib ketdi.

Oradan ko'p vaqt o'tmay qo'shni do'kondagi o'sha adovatchilardan biri kirib:

– Ey, ey Olimjon nima bo'ldi? Tinchlikmi, shovqin suron bo'lib ketdi. Haligi ishga sizam aralashibsizda attang. Kuyunmang o'tib ketadi. Yaqinda bizga, qo'ying

akalar bu ishingiz bo‘lmaydi oxiri voy bo‘ladi deb aql o‘rgatayotgandingiz. Ha mayli nafs qurgur hammada bor. Nima qildi, qanday bo‘ldi deb so‘rab o‘tirmayman.

– Aka qo‘ying, asabim tarang gaplashadigan ahvolda emasman. Bu yerda o‘yin bo‘layotganini siz ham men ham juda yaxshi bilamiz. Keyin, birinchi martta bo‘layotgani yo‘q. Bundan avval ham qanchasi bilan shunday bo‘lgan. Barini sizlar uyuştirayapsizlar.

Xuddi shu gapni kutib turgandek noinsof ming‘irlab gapira ketdi:

– Endi o‘zinga bizni ham dushman deb bilayapsanmi bu yaxshilikka olib kelmaydi. Kassangda qancha pul bor. Olimjon miyasidagi muammo ta’siridan chiqib, unga g‘azabli boqib:

– Nima ishingiz bor?- dedi.

– Ha endi meniyam og‘zimni yoping, boyagi mijozingizni og‘zini yopgandek.

Olimjon uning rejasi atayin jahil otiga mindirish ekanligini bilib g‘azab qilishning o‘rniga bu vaziyatda raqibni mag‘lub etish uchun jilmayib turdi.

– Bu nima qilganingiz men sizga muammoingizni hal qilish yo‘lini aytsam ustidan kulayapsizmi? O‘zi kim-kimning ustidan kulishi kerak. Men sira ham tushuna olmayapman sizni - dedi hayron bo‘lib raqibi.

Hayot har doim ham o‘zingiz kutgan natijani ko‘rsatmaydi. Birda mag‘lub kelasiz birda g‘olib. Xaridorlar biron molimni xaridlar ekan barini mana bu daftarga yozib boraman. Qanday mol, qayerda ishlab chiqarilgan, nechanchi yil , molning turi va savdo vaqtি soati, mijozning ism shariflari bilan birga yozib qo‘yaman.

Raqibining fig‘oni falakka chiqib:

– Ey nomard qancha tuzoqlasam ham, hech bo‘lmasa bittasiga tushmaysan. Hammasidan quruq chiqaverasan. Bilasanmi qancha pul sarflayman bittagina tuzoqqa. Qo‘y namuncha men bilan o‘ynashaverasan. Bir kun shunday taziringni yeysan gaplarimga ishonaver oyoqqa turishga majol topolmaysan!

– Akajon bekor taxtitlab shuncha so‘zni og‘zingizga oldingiz. Mana bu qo‘limdagи ovozyozgich hamma so‘zlariningizni yozib oldi. Istanasangiz buni o‘z qo‘lingizga topshiraman. Faqat bir shart evaziga do‘koningizni bugunoq insofli-diyonatlι mo‘min-musulmonga sotasiz. Musulmon mo‘min birodariga do‘st bo‘ladi dushman emas.

Raqibi, qo‘lini mushtlab savdo vitirinasiga yurgancha:

– Ablax bu ishing seni o‘limingga xujjat bo‘ladi, deb do‘kon eshigini qattiq yopib chiqib ketadi.

Quyosh ufqqa bosh qo‘yganda barcha savdogarlar o‘z do‘kon eshiklarini yopishga tushdilar. Necha yillik bozor farroshi Inobat xola esa bugun har doimgidan ham o‘zgacha quvonch bilan yangi ko‘ylaklarini kiyib, kuni bo‘yi befarosat odamlar tomonidan bir axvolga kelib qolgan iflos yerlarni supuryapti. Inson ozod va ongli mavjudot. Ammo hayvonda na ozodlik bor va na fikrlash. Biz shuni unutmasligimiz zarur. Jamoat joyi bu o‘zining xududi, o‘zining ixtiyoridagi maskan bo‘lsa-ku boshqa gap. Jamoat joyida o‘z maskan va ixtiyorimizdagи xududga bo‘lgan munosabatini ko‘rsatib qo‘yar ekanmiz. Bu aytarlarimizni Inobat xola hamisha o‘tkan-ketganlarga aytishdan to‘xtamasdi.

Olimjon o‘z do‘koni eshigini yoparkan ko‘zi – chiroylik kiyingan va doimgidan o‘zgacha kayfiyatda o‘z ishini bajarayotgan Inobat xolaga tushdi. Assalomu alaykum. Ha xolam, bugun boshqachasiz?

– Voy Olimjon bolam o‘zim sendan o‘rgilay. Charchab qolmadingmi? Kun bugun juda yondirdi, do‘koningni muzlatadigan apparatini tagida ko‘pam o‘tiraverma yoki pastroq bosimga qo‘yib qo‘y. Muzdak-muzdak ichimliklarni ichib o‘zinga jabr qilma. Hademay chilla chiqadi, ozgina sabr qil.

– Meni qo‘ying, navqiron yosh yigitman balo ham urmaydi. O‘zingizni so‘rayapman doimgidan o‘zgachasiz bugun

Inobat xola ichidagi quvonchini qanday yetkazishini bilolmay, indamay turdi va bir boshidan gapira ketdi.

– Bolam mana bilasan necha yillardan beri shu yerni obod qilish bilan kun o‘tkazaman. Shu oladiganim ozmi-ko‘pmi boriga birdek qanoat qilib kelaman. Azaliy nasibam rizqim shu yerga sochilgan ekan deb terib yurdim. Turli harom-harish ish taklifi bilan chiqib mo‘may daromad beramiz deguvchilar ham bo‘ldi. Ularga qo‘silmadim o‘ziga shukur. Shu doim bir tush ko‘raman bilsang. Bir kun Allohning baytini supurishimni, bir kun esa kaba po‘shni mushkanbarga yuvayotganimni deyishi hamonki ko‘zlariga duv-duv yosh kela boshladi Inobat xolaning. So‘ng xiqirlab-xiqirlab gapida davom etdi,

– Qo‘lingni ber menga bolam. Olimjon ikki qo‘llari bilan xolaning tomirlari bo‘rtib chiqqan, supurish oqibatida qadoq bo‘lib ketgan qo‘llarni tutdi.

– Xuddi senikiga o‘xhash ikki qo‘limni ha-ha ikki qo‘limni duoga ochib tinmay hoji bo‘lishlikni niyatida bo‘ldim. Ijobatni ko‘rsatdi, ishonayapsanmi gaplarimga ko‘rsatdi. Kecha bozorko‘m xonasiga chaqirib menga muborak xaj safarining

chiptasini berdi. Endi o'shandagi xolatimni tassavur qil. Mendan o'zga baxtiyor odam yo'qdek edi go'yo olamda.

Olimjon quvonchdan ichiga sig'may ketayotgan Inobat xolani qattiq bag'riga bosdi. Xola uning bag'rida baxtiyor ko'zyoshlarini to'kardi. Ikkovlarini shu turishda ona bola deb o'ylaydi, ko'rgan kishi. Olimjon, ota-onasi dunyodan erta ko'z yumgani uchun shu xolani o'z ota-onasi o'rniga qo'yib xaj safariga jo'natish uchun bel bog'lab pul to'pladi. Albatta bu ezgu ishni hech kimga oshkorlamadi. Bozorko'mdan ham bari sir bo'lib qolishini so'radi.

– Xola men siz uchun juda xursandman, Ilohim meni ham qadamlarim shu muborak maskanga yetsin - dedi yaxshi kunlarni orzulab.

– Bolajonim seni yaxshi bilaman halol-u iymon, diyonat-u pok yo'lda yurgan yigitsan. Allohim o'zi baytiga qadamingni to'g'irlab qo'yadi. Faqat o'sha kun kelishini astoydil tila, maqsadingga yetasan. Mana men senga bir misol - dedi jilmayarkan Inobat xola.

Suhbat yaxshi niyatlardan boshlanib ezgu duolar bilan yakunlandi.

Hayot to'g'ri maqsadga yo'naltirilgan niyatlar bilan munavvardir. Ammo aktyor sahnada mahoratona ro'l ijro etsa ham, pardaning ortida xasadgo'ylar bo'xtionlab turadi. Lekin shuni aytish kerakki sahnaning ortidagi bo'xtionlayotganlar hayotda ham ortda qolgan kishilar sanaladi. Shuni tushunib anglagan inson hayot sahnasida yiqilmay mag'rurona ro'l ijro etadi va yaxshi odamlarning olqishiga sabab bo'ladi.

Qosh qorayib, sokin tun cho'kdi. Olimjon o'zining sevimli spark ulovida halovat maskaniga yo'l olmoqda. Tarki odati, magnitafondandagi go'zal oyat tilovatini qilayotgan qoriga qo'shilib hamohang aytib ketardi. Hashr surasining 18-oyatini go'zal qiroat bilan tilovat qilayapti: *Ey iymon keltirganlar! Allohdan qo'rqingiz va (har bir) jon (egasi) ertangi kun (qiyomat) uchun nimani (qanday amalini) etganiga qarasin! Allohdan qo'rqingiz! albatta, Alloh qilayotgan amallaringizdan xabardordir.* Birdan avto boshqaruvchi o'tiradigan o'rindig'ning bel tarafidan xanjar chiqib uning umrtqasiga sanchildi va o'lim xolatiga keltirishlik uchun ikki marotaba aylantirildi va shu xolatda Olimjon joniga taslimiyat berdi. Ruhi esa xaqning rahmatiga qovushdi. Kim bo'ldi ekan uning yosh joniga qasd etgan. Qaysi nomard ekan uning shu xolatidan foydalangan. Ha, anglaganingizdek uning raqobatchisi iymonsiz molu-dunyo bandisi o'sha nomard qo'shni raqobatchisi edi.

Inobat xola Allohnинг dini bunyod bo'lgan, suyukli muallim payg'ambarimiz yotgan muborak maskanda Olimjonning xaqqiga duoifotixalar qildi. Ha, Inobat xola uning go'zal xizmati evaziga borganlaridan be xabarlar, ammo unga jon ato

etgan zot barchasidan xabardordir. Illo muhtaram o‘qirman shu solih yigit bilan jannatlarda birga bo‘laylik.

22.07.2022

Alisher Navoiy nomidagi milliy kutubxonada soat 17:00 da bitildi.

Сиз қандай яшаяпсиз?

Муаллиф ҳақида икки оғиз сўз

Иброҳим Рихсибоев ёши бўлишига қарамай ўз дастхати ва услубига эга ёзувчи. Ёзар бир қатор қисса ва ҳикоялари билан кенг китобхонлар меҳрини қозониб келмоқда. Асарларида асосан ўқирманни иймонга, ахлоққа, харомга эмас ҳалол йўлга юришига чорлайди. Қаҳрамонларининг характерини маҳорат билан чизади. Шу билан бир қаторда, ҳақ сўзни айтишидан кўрқмайди. Ўйлаб қаралса, адабиётнинг вазифаси шон-шуҳрат унвонга эргашиши эмас, балки инсониятга қаратма ҳақиқатларни айта олиш, инсонни тарбиялаш тўғри йўлни кўрсатишдан иборат. Иброҳим Рихсибоев адабиёт оламига энди қадам ташлаб, кириб келаётганига қарамасдан майдо-чуйда жамият муаммоларини эмас, балки инсоният муаммоларини қаламга олди. Кўпчилик Иброҳим аканинг ёзганларини ўқиб, «Ҳикоянгиздан Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмадларнинг хиди келяпти» демоқда. Нимага? Чунки юқорида исмлари келтирилган устоз адиллар ҳам инсоният муаммоларини ёзган. Жамиятнинг муаммолари вақтинчалик, ўтадиу кетади. Аммо инсоният муаммолари абадий. Иброҳим Рихсибоев, қўлига Қалам олар экан асарида энг аввало китобхонни яратганга яқин бўлишига, иймонини мустаҳкамлашга, тафаккур қилишига ундаиди. Ёзувчининг муроди, унинг ҳикоясини ўқиган ўқирманни яратган эгасига яқинлаштириши, ҳозир яшаб юрган ҳаётида нима учун яшаётганини англатиши, Аллоҳга бўлган муҳаббатини юксалтишидан иборат.

Истеъододли ёзувчи Иброҳим Рихсибоевнинг энг янги икки ҳикояси сиз азиз ўқирманларнинг ҳукмига ҳавола этилмоқда. Ўқинг, тафаккур қилинг, сиз қандай яшаяпсиз? Инсон қандай яшаётгани унинг амал ва ниятларига боғлиқ. Қуидаги икки ҳикояни ўқиб, ҳаётингизни таҳлил қилинг. Ҳаётингиз ва амалингиз чиройли бўлсин. Барчамизни парвардигор эгам икки дунё саодати билан сийласин!

Азизбек Абдумалик
Мустақил журналист

Танҳоликдаги тасаввур

эссе

Хар қандай инсон таффакуриниг сүнги бекати бу исломдир...

Л.Н.Толстой

